Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 23 (21 142) 1992 йил 1 февраль шанба

Баҳоси 60 тийин.

• БИРИНЧИ БЕТГА ХАБАР

Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолигига тавсия этди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хавфсизлик Кенгаши бугун, 1992 йил 29 январдаги йиғилишида 737 (1992 йил) қарорни овозга қўймай қабул этганини сизга маълум қилишни ўзимга шараф деб биламан. Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этишни Бош Ассамблеяга тавсия қилувчи мазкур қарор қуйидагича: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул этиш ҳақидаги мурожаати (аризаси)ни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилишни Бош Ассамблеяга тавсия этади».

Шу мавриддан фойдаланиб, ҳукуматингизга шахсий қутловларимни изҳор этмоқчиман ва Хавфсизлик Кенгаши Ранси Кенгаш аъзолари номидан берган қуйидаги баёнотни маълум қилмоқчиман: «Хавфсизлик Кенгаши Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилишни тавсия этувчи 737 (1992 йил) қарорни ҳозиргина қабул қилди. Бу тавсия тез орада қабул этиш жараёнининг якунловчи босқичида Бош Ассамблея томонидан кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари номидан Ўзбекистон Республикасини шу қувончли ва тарихий воқеа билан табриклашдан мамнунман.

Ўзбекистон БМТ Низомини бажаришга тантанали ваъда берди ва бу нарса олий даражада табрикланишга лойиқдир. Ўзбекистон мазкур ташкилот олдида турган кўпдан-кўп вазифаларни бажаришга ўзининг катта ҳиссасини қўшажагига Кенгаш аъзоларининг ишончи комилдир. Биз Ўзбекистон вакилларини ўз касбдошларимиз сифатида табриклаб кутиб оламиз ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча турли тузилмаларида улар билан бирга ишлаймиз, деб умид қиламиз».

Камоли эҳтиром билан
Бутрос ГАЛИ
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби
Нью-Йорк.

РЕСПУБЛИКАМИЗ НИШОНИ

● ТОШКЕНТ. «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳим буюртмалардан бири тайёрланмоқда. Жамоа чеварлари Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат байроғидан 14 мингтадан зиёд тайёрлаб беришга аҳд қилганлар. Ҳозир улар ана шу муҳим буюртма устида ишламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: чевар Шарифа Зайнуддинова. Иккинчи суратда попоп цехида тайёрланаётган байроқларнинг ҳошиялари тикилмоқда.

С. ВЕЛИЧКИН (ЎзТАГ) олган суратлар.



• *Ташаббус туғилган жойда*

● Фарғона вилоятидаги учта олий илмгоҳ, кўпгина техникум ва ўрта махсус билим юртларининг кундузги бўлимларида 30 мингга яқин талаба таҳсил кўради. Республиканинг бошқа шаҳарлари, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқининг кўпгина йирик шаҳарларида ҳам минглаб фарғоналик талабалар илм чўққиларини эгалламоқдалар. Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг шу қишлоқдан бориб турли шаҳарларда ўқиётган талабаларга доимий моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги ташаббуси бутун фарғоналиклар қалбида акс садо берди. Яқинда Фарғона шаҳрида вилоят хўжалик фаоллари, жамоатчилик вакилларининг шу жамоа хўжалигининг «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон қилинган Мурожаатига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ

ЙИҒИЛИШДА халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Ғ. Фозилов маъруза қилди. Вилоятда талаба, ўқувчилар турмуш шароитини яхшилаш борасида анчагина ишлар қилинди. Олий ва ўрта махсус билим юртларида талабаларнинг стипендиялари ва купонлар ўз вақтида тарқатилиб, уларга бериладиган таомлар нархи 50 фоиз арзонлаштирилди. Йирик давлат, жамоа хўжаликлари ва саноат корхоналари, ташкилотлар ўқув юртларини ўз оталиқларига олмоқдалар. Билимгоҳлар ҳисобига маблағ ўтказиляпти. Улар учун экин майдонлари ажратиляпти. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсати «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон қилинган Мурожаат юзасидан махсус қарор қабул қилди.

— Талаба — халқ фарзанди. Мустақил Ўзбекистон учун юқори малакали мутахассислар сув билан ҳаводек зарур, — деди маърузачи. — Бугун биз ларга яхши ўқиш, чуқур билим олиш учун етарли шароит яратиб берсак, бу келгусидаги иқтисодий бақувват, қудратли Ўзбекистоннинг таг-заминини яратиш демакдир. Президентимиз И. А. Каримовнинг бу борадаги саъйи-ҳаракатларини амалий иш билан қувватлайлик!

Йиғилишда сўзга чиққанлар «Ўзбекистон овози» рўзномасида эълон қилинган Мурожаатни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

— Биз ҳар 15 май кунини Киров районида талабалари куни деб эълон қилдик, — дейди халқ депутатлари Киров район Кенгаши раиси Н. Мўминов, — Шу куни район ҳудудидаги барча жамоа, давлат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари кировлик талабалар билан учрашувлар ўтказадилар. Уларнинг яшаш ва ўқиш шароитлари билан танишиб, тегишли ёрдам берадилар. Биз ихтиёримиздаги режадан ортиқча етиштирилган пахта толасидан келган даромаднинг бир қисми ҳисобига талабалар жамғармаси ташкил этдик.

— Меҳнат жамоамизда ишлаб, ўқишга кетган ёшларнинг ҳар бирига 100 сўмдан пул ва бир жуфтдан ёзги-қишки пойабзал беришга қарор қилдик, — деди Фарғона пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси директори Б. Дадажонов. — Бундан ташқари вилоятдаги ўқув юртлари ҳисобига 100 минг сўм пул ўтказдик.

— Қўқон шаҳри корхона ва ташкилотлари талабалари учун бир миллион сўмлик жамғарма ташкил этишяпти, — дея йиғилиш иштирокчиларига хабар берди шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раиси А. Шокиров.

— Биз кўрилган чораларидан ташқари ҳорижий мамлакатларга ўқишга борган ҳар бир талабанинг 50 фоиз харажатини ўз зиммамизга олишга қарор қилдик, — дея Мурожаатдаги фикрларига қўшимча қилди Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси М. Шербўтаев.

— Талабаларимиз иқтисодий оғир вазиятда ҳукумат ва жамоатчилик ўзларига кўрсатаётган ғамхўрликнинг қадрига етишлари, шунга муносиб равишда, ўзларидан кутилаётган даражада кучли иштиёқ билан билим олишлари, касб-ҳунар сирларини эгаллашлари лозим, — фикр билдирди Марғилон тижорат техникуми директори Ж. Қўчқоров.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам ўз корхона ва ташкилотлари талабаларга ёрдам учун амалга ошираётган ишлар ва режалар ҳақида гапирдилар. Йиғилиш қатнашчилари Қувадаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ташаббусини вилоят қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари орасида кенг ёйиш, қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

● ТАҲРИРИЯТДАН: фарғоналиклар бошлаган бу хайрли, савоблн ташаббус республикамизнинг бошқа жойларида ҳам маъқуллаб кутиб олинади, деб ўйлаймиз. Зеро, бугунги кунда муаммоларни ҳал этишда фақат шундай амалий ишлар билан ҳаракат қилиш вайти келди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат ишласак, мустақил Ўзбекистон учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Республикамиз раҳбарияти олиб бораётган амалий ишларда уларни ёлғизлатмаслик керак. Халқ биздан шуни кутмоқда.



Суратда: қабул пайти.

А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ) олган сурат.

ДИЁРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Уммон Султонлигининг ҳукумат делегацияси Ўзбекистон турмуши билан танишмоқда. Делегацияга ташқи ишлар давлат вазири Юсуф бин Алави бин Абдалло бошчилик қилмоқда.

31 январь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов қабул қилди.

Суҳбат чоғида иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Кўпгина мамлакатлар Ўзбекистонни мустақил давлат деб тан олганлиги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очаётганлиги таъкидланди. Республикада бой табиий ва хом ашё ресурслари бор, у ривожланган саноатга эгадир. Аммо тараққиёт йўлидан тезроқ илгари силжиш учун сармоялар, илғор технологиялар керак.

Уммон делегациясининг бошлиғи сарфланган капитал кафолатлари, хорижий сармоядорларни қонун йўли билан қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалаларни қизиқиб суриштирди. Ҳамма саволларга батафсил жавоб берилди.

Суҳбатда Уммон Султонлигининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Назар бин Муҳаммад бин Али, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Т. Й. Ойхўжаев қатнашдилар. Меҳмонлар Республика Ташқи ишлар вазирлигида ҳам суҳбат ўтказдилар, суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш масаласи муҳокама қилинди. Делегация аъзолари Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасини зиёрат қилдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Режага мувофиқ улар Самарқандга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

ЭНГ МУҲИМИ ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛСИН

Халқ демократик партияси Калинин район кенгаши ва унинг уч минг аъзоси шу йил 16-17 январь кунлари Тошкент шаҳрининг талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларни катта ташвиш билан эшитди. Бу хабар ишчи ва деҳқонларнинг қалбини ларзага солди. ХДП аъзолари, хотин-қизлар кенгаши ва уруш, меҳнат фахрийлари рўй берган воқеани ўз йиғилишларида муҳокама қилиб, шундай қарорга келдилар: ҳозирги қийинчилик даври — ўткинчи давр, албатта ойдин кунларга ҳам чиқиб оламиз. Шу сабабли ёшлар бошқа нарсани ўйламай ўзларининг асосий вазифаларини — ўқиш, билим олиш ва келажакда етук мутахассис бўлиб чиқиш ташвишини қилишлари лозим.

Районимиз меҳнаткашлари, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида эркин нарх-наволарнинг жорий этилганлиги бир ҳисобда аҳолини иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг четга ташиб олиб чиқиб кетилиши олдини олиш юзасидан кўрилган чоралар эканлигини ҳам яхши тушунадилар. Тарихдан биз қимматчилик ва тақчиллик даврлари, вақтинчалик эканлигини, албатта арзончилик, тўкин-сочин кунлар ҳам келишини биламиз. Шу сабабли ёшлардан илтимосимиз — ота-оналарнинг доно маслаҳатларига қулоқ солсинлар. Бу улар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Агар фуқароларнинг якдиллиги, жипслиги, тотувлиги, тинчлиги таъминланса, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, барча муаммолар ҳам албатта ҳал этилади. Мана шунга амал қилайлик, турли ҳил иғвогар ва сафсатавозларни эса аёвсиз фош этишимиз зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг республика халқига мурожаатномасида таъкидланганидек ҳамма жойда тинчлик ва тотувликни, осойишталикни сақлайлик.

Ўзбекистон ХДП Калинин район кенгаши ижроия бюроси номидан

Т. ФАЙЗИЕВ, ХДП район кенгашининг иккинчи котиби.

* * *

ЯХШИ КУНЛАР АЛБАТТА КЕЛАДИ

Районимиз меҳнаткашлари республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қабул қилган қарорларини маъқулламоқдалар. Тўғри, даставвал жуда қийин бўлишини тушуниб турибмиз. Аммо ҳар қандай янгиликнинг бошланиши аввалига оғир кечиши сир эмас-ку. Район меҳнат аҳли яхши кунлар келишини тезлаштириш учун тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, унумли меҳнат қилиш лозим деб айтмоқдалар. Зеро, қуруқ гап билан дастурхон тўлиб қолмайди.

Тошкентнинг талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеаларнинг Ўзбекистон мустақиллигини кўролмайдиган айрим нопок, ғаламис кучлар томонидан уюштирилганлигига аминмиз. Агар мана шу кучларнинг кирдикорларини фош қилиб, уларга қилмишига яраша жазо берилмас экан, ғаламислар ўз қора ниятларини давом эттираверадилар. Ҳозирги мураккаб шароитда республикамизга тинчлик, фақат тинчлик зарур. Районимиз аҳолиси республика Президенти ва раҳбариятининг шу йўлда қилаётган ишларини, халқни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги фаолиятини тўла маъқуллайдилар.

А. ЭРКАБОЕВ, Халқ депутатлари Ўзбекистон район Кенгаши раиси, М. МЕЛИҚЎЗИЕВ, райижроқўм раиси, М. ҲАКИМОВА ХДП район кенгаши котибаси, А. СУЛТОНОВ, район фахрийлар кенгаши раиси ва бошқалар.

* * *

САБР-ТОҚАТ ЛОЗИМ

Тошкент шаҳрида ўқиётган ёшларнинг ота-оналари номидан мурожаатномани ўқиб унда ўз аксини топган барча фикр ва мулоҳазаларга тўла қўшилдик. И. А. Каримов — бизнинг демократик йўл билан сайланган Президентимиз. Унинг куни кеча телевизор орқали республика халқига қарата қилган мурожаати барча ота-оналарни ғоят таъсирлантирди. Биз ҳурматли Президентимиз билан биргамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сиз имзо қўйган фармон сабабли пахта, ғўшт, қолаверса, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари ошди. Ойлик маошларимизни ҳам оширяпсиз. Шуни ҳам тушуниб турибмизки, аҳолининг турмушини бироз бўлсада, енгиллатиш учун қўлингиздан келган барча ишларни қиляпсиз. Албатта яхши кунларга ҳам етишамиз. Халқ билиб айтганидек, мусулмончилик — астачилик. Тўкин-сочин кунларнинг келишини тезлаштириш учун астойдил меҳнат қилишимиз, якдил бўлиб ишлашимиз, тинчликни-осойишталикни сақлашимиз лозим. Сизнинг телевизор орқали халққа қарата айтган «Сабр қилинг, менга бироз вақт беринг», деган сўзларингизга тўла ишонамиз. Худо хоҳласа, республикамизда шу йилнинг охиригача ҳамма ишлар жойида бўлиб кетади, деган умиддамиз. Мана шундай масъулиятли пайтда халқнинг юкини зиммангизга олган экансиз, ўзингизга мустаҳкам соғлиқ, ишингизда барор тилаймиз. Вобкент районидан фарзандлари Тошкент шаҳрида ўқиб таълим олаётган ота-оналар номидан.

З. ПАРДАЕВА, наслчилик давлат хўжалиги ишчиси, Х. ШОДИЕВ, А. ҚОДИРОВ, Энгельс номли жамоа хўжалиги аъзолари, З. ТУРДИЕВ, Ш. ШАЙДОЕВ, Ж. ИЗЗАТОВ, Т. УМАРОВ, С. БАҚОЕВ, уруш ва меҳнат фахрийлари, С. УМЕДОВ, «Москва» жамоа хўжалиги раиси муовини, У. ОДИНАЕВ, «Октябрь» жамоа хўжалиги аъзоси, Б. САИДОВ, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси муовини, Ш. БУРОНОВ, талаба отаси, М. НАВРЎЗОВА, Калинин номли жамоа хўжалиги раиси, И. МУРОДОВА, Кумушкент қишлоқ Кенгаши раиси, Л. ОХУНБОБОЕВА, шаҳар Кенгаши раиси ва бошқалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкент

Ҳазрати олийлари

Мустақиллик ва тўла суверенитетга эришганингиз муносабати билан Ўрта Осиё республикаларининг дўстлари Ўзбекистон Республикасининг ҳукуматига ва халқига зўр мамнуният билан самимий қутловлар йўллайдилар. Биз Миллатлар ҳамдўстлигига кирган Ўзбекистонни муборакбод этамиз ва сизнинг мамлакатингиз Ўзбекистон халқи ва умуман инсоният манфаатлари йўлида муносиб ишлар қилишидан умидвормиз.

Ҳазрати олийлари, ўз мамлакатингизни суверенитет йўлига олиб чиқишдаги шахсий мардлигингизга ва қатъий раҳбарлигингизга қойилмиз. Британия халқи бир қанча соҳаларда, жумладан, маданият, жамоат, таълим, савдо-сотиқ, саноат, дин ва спорт соҳасидаги алоқалар юзасидан Ўзбекистон халқи билан мустаҳкам дўстона муносабатларни ривожлантиришни истайди. Бизнинг ташкилотимиз Ўзбекистон халқи билан мустаҳкам алоқаларни ривожлантириш учун барча поғоналарда қардошлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида ташкил қилинган.

Ҳазрати олийлари, ҳукуматингизнинг маданият маҳкамаси билан ва бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш соҳасидаги кучғайратларимизни қўллаб-қувватлашингизни ва бу соҳада ҳамкорлик қилишингизни сўраймиз. Биз Ўзбекистон халқига қай тариқа ёрдам бера олишимиз ҳақидаги таклифларингиз учун миннатдорчилик билдирган бўлур эдик.

Камоли эҳтиром билан
Али Муҳаммад АЖАР — раис
М. Довуд ҲАМИД — бош котиб
Ўрта Осиё республикалари дўстлари жамияти.
Буюк Британия
Лондон.

РЎЗНОМА БАҲОСИ НЕГА ЎЗГАРДИ?

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Бозор иқтисодиёти демократия ва ошкоралик минбари — рўзнома ва жарналарнинг баҳосига ҳам таъсир этмоқда. Бундан на муассислару на халқ қатори юрт хизматига ҳамиша қамарбаста бўлган журналистлар ҳеч қандай наф кўраётгани йўқ. Ўтган йиллари тоннаси 250—280 сўм турган газета қоғозининг нархи ҳозир 20 минг сўмгача кўтарилди. Бўёқлар ва босмахонада ишлатилувчи бошқа анжомларнинг нархи қариб 40-50 баробар ортди. Темирйўл, авиация ва автотранспортда ташиш ҳамда почта ҳақи 4—7 марта кўпайди. Оқибатда ўзўзидан сизнинг рўзномангиз — «Ўзбекистон овози»нинг ҳам таннархи 4—5 баробар қимматлашиб кетди.

Шу муносабат билан ҳам муассислар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва рўзнома таҳрир ҳайъати чакана савдога чиқарилаётган рўзноманинг баҳосини қайта кўриб чиқиб, бир нусхасини 60 тийин ҳажмида белгилашга мажбур бўлдилар. Хуллас, рўзномага 1991 йили олдиндан ёзилиб қўйганлар ютди. Ўтган йили обунани расмийлаштирган муштарийлар «Ўзбекистон овози»ни эски нархда (бир нусхасини 10 тийиндан) олаверадилар.

1992 йилнинг қолган қисмига обуна баҳоси ўзгарди. У энди 89 сўм 60 тийин. Агар шу кунларда шу суммани тўлаб обуна бўлсангиз, 1 мартдан бошлаб рўзномани уйингизга элтиб беришади. Ҳар сони сизга 42 тийиндан тушади. Мабодо дўкондан 60 тийинга олсангиз, йил бўйи 127 сўм 20 тийин сарфлайсиз.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ПАРТИЯ АЪЗОСИ ҲИСОБ БЕРДИ

● Хўжаобод районида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг кўчма мажлиси бўлди. Унда ХДП аъзоси, Хўжаобод район деҳқончилик саноати уюшмаси раиси И. Мирзаевнинг партия Дастури ва Низоми талаблари асосида ишлаш, мавжуд техникани тезроқ таъмирлаш ва кўкламга тайёрлаш ҳақидаги ҳисоботи тингланди ва муҳокама қилинди.

ХДП Хўжаобод район кенгашининг аъзоси И. Мирзаев ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашяпти. Партия Дастури ва Низомига амал қилиб, деҳқончилик саноати комплекси жамоаларининг куч-ғайратини район аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга йўналтиряпти. Ўтган йили район жамоа ва давлат хўжаликлари меҳнат фахрийлари, серфарзанд, кам таъминланган оилаларга хайрия сифатида 91 минг сўм маблағ ажратди, районда 2 та консерва цехи қурилди. 3 жойда ёғочни қайта ишлайдиган ускуна ўрнатилди, 2 та тегирмон ишга туширилди. Район марказида деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди.

И. Мирзаев ХДП аъзоси сифатида республика Президенти сиёсатини қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида кенг тарғиб қиляпти, ўзининг бутун диққат-эътиборини район қишлоқ хўжалигини юксалтириш, техникадан самарали фойдаланишга қаратяпти. Шу ҳисобга янги техника сотиб олишга сарфланадиган маблағнинг тежаб қолинишига эришмоқда. Ўтган йили районда машинада пахта териш режаси 108 фоиз бажарилди.

Кўчма бюро мажлисида кўкламга тайёргарлик соҳасида қилинган ишлар ҳақида батафсил гапирилди. Абдулла Набиев номли жамоа хўжалигида техникани баҳорги дала ишларига тайёрлаш тугалланди. Хўжаликда таъмирлаш устахонаси зарур жиҳозлар билан таъминланган. Эҳтиёт қисмлар бевосита тракторчиларнинг ўзларига бериб қўйилади. Улар ҳар йили 30 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қолмоқдалар. Механизаторларга қулай иш шароити яратилган. Дам олиш хонаси иссиқ, бу ерда телевизор, радио бор. Бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг депутати Маҳмуджон Расулов, ХДП аъзоси Ғойибберди Абдуллаевга биркитиб қўйилган тракторлар беш йилдан бери бенуқсон ишлаяпти.

«Дўстлик», Ҳамза номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида техникани таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Шунингдек, кўчма бюро мажлисида чопиқ тракторлари, дон йиғиштириб олиш комбайнлари ва ем-хашак ўриш техникасини таъмирлашда район вилоят кўрсаткичидан орқада қолаётганлиги таъкидланди.

Бобур номли, «Дўстлик», Абдулла Қаҳҳор номли жамоа хўжаликларида бошланғич партия ташкилотлари таъсир ўтказмаётгани туфайли қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш қониқарсиз аҳволда. Бу хўжаликларда механизатор, таъмирловчи ишчиларга етарли шароит яратилмаган, устахоналарда иссиқ овқат ташкил этилмаган. Дам олиш хоналари йўқ. Бу таъмирлаш, тиклаш ишларининг чўзилиб кетишига сабаб бўляпти.

Собир Раҳимов номли, «Дўстлик» жамоа хўжаликларида тайёргарлик чизиғига қўйилган машина ва механизмларда 4—5 тадан камчилик борлиги аниқланди. Бу, таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилаётганлигидан далолат. Замонавий машина-трактор парклари кам.

И. Мирзаев ўз фаолиятида бошланғич партия ташкилотлари мададига таянмайди. ХДП район кенгашининг аъзоси сифатида уларнинг иши билан етарли қизиқмайди. Район деҳқончилик саноати уюшмасида собиқ коммунистлардан 845 киши ХДП аъзолигига қайта рўйхатдан ўтди. Бу, партия аъзоларининг аввалги сонига нисбатан 33 фоизни ташкил этади. 62 киши ХДП аъзолигига янги қабул қилинди. 273 коммунист механизатордан 168 нафари ХДП аъзолигига ўтди. Районда ҳаммаси бўлиб 1861 нафар механизатор ишлайди. Шундан партия аъзолари салкам 10 фоизни ташкил этади, холос.

Хўжаобод таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонаси ва қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бирлашмаси партия ташкилотлари тарқалиб кетди. Жамоа ва давлат хўжаликларидаги машина-трактор паркларининг ҳар иккитасидан бирида цех партия ташкилоти тузилмаган. Ҳар учта бошланғич партия ташкилотида 1992 йил учун иш режаси белгиланмаган. Сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзолари ўртасида иш тақсимоти ўтказилмаган, оддий партия аъзолари ижтимоий-сиёсий ишларда фаол қатнашмайди. «Дўстлик», «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликлари, Калинин номли давлат хўжалиги партия ташкилотлари аъзолик бадаллари бўйича қарздор бўлиб турибди.

1991 йил декабрь ойида район партия кенгаши ижроия бюросининг мажлисида партия ташкилотларида ташкилий-партиявий ишларнинг аҳволи кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Бироқ, бу қарорнинг ижроси назорат қилинмади. ХДП район кенгашининг аъзоси И. Мирзаев ҳам бунга лоқайд қаради...

Кўчма бюро кўрилган масала юзасидан қабул қилган қарорда, жумладан қуйидагилар, таъкидланди: Ўзбекистон ХДП Хўжаобод район кенгашининг аъзоси И. Мирзаевга техникани сифатли таъмирлаш ва мавсумга тайёрлаш ишларини қисқа муддат ичида тугаллаш, механизаторларга унумли меҳнат қилиш, дам олиш учун шарт-шароит яратиш, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этиш, деҳқончилик саноати уюшмаси бошланғич партия ташкилотларининг шаклланиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш топширилди.

Ўзбекистон ХДП Хўжаобод район кенгашининг котиблари А. Холматов, О. Хожимуродова ва бошқаларга бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш, партия сафларини ўстириш ва мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш вазифаси юкланди. Андижон вилоят деҳқончилик саноати техникаси бирлашмасининг бошлиғи ХДП аъзоси Х. Ҳакимовга Хўжаобод районига техникани кўкламга тайёрлаш, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда яқиндан кўмаклашиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши кўчма ижроия бюроси вилоят ҳокими лавозимига вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг аъзоси Қаюм Холмирзаевич Холмирзаев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди ва Республика Президенти И. А. Каримовдан вилоятларга ҳоким тайинлаш пайтида Андижон вилоят партия ташкилоти фикрини ҳам ҳисобга олишни сўради.

Шунингдек, кўчма бюрода Ўзбекистон Халқ демократик партияси бир гуруҳ фаолларининг бутун халққа, сиёсий партия ва ҳаракатларга мурожаати маъқулланди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ишчизодалар» мақоласи мулоқотга чорлади

Биз ихтиёр-беихтиёр Ғарб архитектураси изидан бордик. Кўп қаватли турар жой бинолари-ю, осмонўпар иншоотларга ҳавас қилдик. Одамларимизни, ҳатто, қишлоқда яшовчиларни ҳам ёрдан олиб осмонга кўтариб қўйдик. Бироқ ўзимизнинг дунёга машҳур меъморчилигимизни унутиб қўяёздик. Қўҳна минор ва обидаларни таъриф қилдигу, ўшалардай иншоотлар кўтаришни хаёлимизга ҳам келтирмадик.

Рўзномангизнинг ўтган йилги 20 сентябрь сонида босилган «Ишчизодалар» мақоласи билан танишганимда, бинокорлик масалаларига оид баъзи фикрлар уйғонди. Қуйида шу мулоҳазаримни ўртоқлашиш ниятидаман.

Самарқанд XX асрнинг ўртасигача Ўрта Осиёдаги кўплаб шаҳарлар сингари йирик маҳаллалардан ва муайян табақа ёхуд касб кишиларига тегишли қаторқатор уйлар (айтайлик, новвойлар, кулоллар, заргарлар, сўзангарлар, темирчилар ва бошқалар)дан иборат эди. Ана шундай маҳалла ва гузарларнинг марказида бозор ёки мачит бўлган.

Турар жойлар ёзнинг иссиғи ва қишнинг изғиринига мослаштирилган бўлиб, анъанавий меъморчиликнинг намунаси эди. Уй икки қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисми яшаш хоналари, яъни «ичкари» деб аталган. Иккинчи томони мевали дарахтлар ва токлардан иборат ҳовли бўлган. Айримларида тик устунли айвон ҳам қурилган.

Бизда, яъни Шарқ тарихида шахснинг роли у қурган шаҳар ва иморатлар билан белгиланган. Меъморлар ҳамиша элнинг, подшоларнинг эъзозида бўлган. Мисол учун аҳманийлар империяси даврида, яъни эрамизгача бўлган VI—IV асрда Суғдиёна — Афросиёб вужудга келди. Амир Темур эса 30 дан зиёд меъморчилик обидалари қурдирди. Улуғбек шаҳримиз атрофида 30 га яқин боғ яратди. Самарқанд ва Бухорода расадхона, мадраса қурди. Бобур ва шайбонийлар ер ости сув йўлларини қуришди. Ялангтўш Баҳодир эса Тиллакори мадрасасини барпо этди. Бу иншоотларнинг ҳар биттаси ўзича қимматга эга.

Афсуски, кейинги пайтларда сон орқасидан қувиб мактаб, болалар боғчалари, уй-жойлар, савдо шохобчалари қурилиши шунчалик авж олдики, уларни бир-биридан фарқлаш қийин бўлиб қолди. Бундай пайтда биноларнинг миллийлиги ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Айниқса, қишлоқ қурилиши бутунлай издан чиқди. Хутор системасини тугатиш сиёсати туфайли юзлаб қишлоқлар бузиб юборилди. Одамларни мажбурлаб далаларда қўш қаватли уйларга киргизиб қўйдик. Канализация ишламаса, одамларни юқори қаватга чиқариб ёки бир жойга тўплаб нима қиласан, дейдиган марднинг ўзи йўқ.

Кўп қаватли турар жой бинолари миллий урф-одатларга барҳам берди. Оила аъзоларининг ҳаммаси 2—3 хона ичига тиқилиб олишади. Бундай пайтда иффат ва ҳаё, бир-бирига ҳурмат каби фазилатлар ўз-ўзидан хиралашди. Совуқ кунларда уйлар ўртасидаги ихчам жойларда устини брезент билан ўраб тўй ва бошқа тантаналарни ўтказишга кўникиб қолдик. Натижада қўлидан иш келмайдиган қариялар уйда ортиқчадек туюлди.

Тўғри, кейинги пайтларда шаҳар қурилишида бироз бўлса-да, шарқона услубга эътибор кучайди. Биз 1981 йилда қурилишни лойиҳалаш жумҳурият илмий тадқиқот олийгоҳи ёрдамида Самарқанд шаҳрининг бош планини тузиб чиқдик. Унга биноан, 1990 йилгача шаҳар қурилишига 4 миллиард сўм маблағ керак эди. Бу ишни Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси ҳам тасдиқлади. Бироқ пул ўтказишга келганда маблағнинг бор-йўғи 50 дан бир қисмини олдик, холос. Бошқа шаҳарларда ҳам маблағ масаласи бундан яхши эмас.

Санитария талабларига жавоб бермаслиги, бинолар паст (2,40 сантиметр) эканлиги, квартиралар ўртасида шовқинни ушлаб қолувчи тўсиқлар йўқлиги туфайли «464—УСП» маркали тўрт қаватли панел уйларнинг лойиҳаси 1970 йилда Иттифоқ Қурилиш вазири томонидан бекор қилинган эди.

Хўш, ундан кейин нима бўлди дерсиз? Ҳеч гап бўлмади. Фақат марканинг номини «Зарафшон» деб ўзгартириб ўша лойиҳани ишлатаверишди.

1985 йилда Нукусда жумҳурият меъморлар уюшмасининг анжумани бўлди. Шунда Тахиатошда ва Хўжайлида йўлнинг икки четида қурилишлар бораётганлигини кўрдик. Не кўз билан кўрайки, кўп қаватли иморатлар юқорида эслатилган — бекор қилинган лойиҳа асосида тиклана-ётган экан. Бинолар ўртасида бирорта ҳам дарахт экилмаган. Ариқ кавланмаган. Сал нарироқда сақланиб қолган ҳовлилар саҳни ҳам, атрофи ҳам кўм-кўк.

— Ер кўп экан, ҳовли қурсаларингиз бўлмайдими? — сўрадим маҳаллий раҳбарларнинг биридан.

— Иложи йўқ. Чунки давлатнинг режаси бор. Кўп қаватли уйлар қуришимиз керак.

Ҳа, Москвада туриб белгиланган режаларни, нормативларни кўр-кўрона қабул қилавердик. 1930 йилларда Самарқандда ҳам Регистон атрофидаги бутун кварталлар, эски уй-жойлар, меъморчилик ёдгорликлари бульдозер чўмичи остида қолди. Уларнинг ўрнига «замонавий» бинолар қурилди.

Фақат бугина эмас, жумҳуриятимизнинг кўпгина ерларида халқ меҳнати билан барпо этилган ёдгорликларга ваҳшийларча муносабатда бўлинди. Мисол учун Шаҳрисабзда Оқсарой ёдгорлиги пойдевори устига шаҳарнинг маъмурий бинаси, маданият уйи қурилди. Қўқонда Бахмалбофи маҳалласи суриб ташланди ва бош режа асосида «77-серия» бўйича 4 қаватли уйлар пайдо бўлди. Меъморчилик дурдоналаридан бири, мусулмонлар зиёратгоҳи Шоҳимардон ҳам тарихий қиёфасини йўқотди. Ачинарлиси шундаки, бу ишлар ўз кўз ўнгимизда ўз қўлимиз билан бажарилди.

Гуржистон, Россия ҳамда Болтиқбўйи жумҳуриятларида 20 йилдан буён тарихий жойлар ва обидаларни бузиш, улар атрофида қурилиш олиб бориш таъқиқланган. Ёдгорликлар таъмирига давлат кўплаб маблағ ажратаётир. Бизда эса юқорида айтганимдай...

1982 йилда Бутунитти-фоқ танловида самарқандлик меъморларнинг геофизиклар шаҳарчасидаги турар жойлар учун тайёрлаган лойиҳаси 57 та иш орасида иккинчи ўринни олди. Дарвоқе, бу Ўрта Осиё учун ягона мукофот эди. Бироқ бу лойиҳалар пудрат учун қабул қилинмади.

Тўғри, жумҳурият Президентининг Фармонига кўра ўтган йили шаҳар ва қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш анча яхшиланди. Қишлоқларимизга барака энгандек бўлди. Лекин бу ҳали ишнинг бошланиши, холос. Биз одамларни шарқона услубда иморат қуришга ўргатишимиз зарур. Бунинг учун кекса усталарни ишга жалб этиш лозим. Айниқса, шаҳарда қурилишни тартибга олиш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мана, республикамиз мустақилликка эришди. Йиллар давомида марказнинг буйруғи билан ишлаб келган эдик ва бугун ана шу иллатдан расман қутилдик. Бундан кейин ҳар бир ишда мустақил ҳаракат қилайлик. Шарқ, хусусан Ўзбекистон ўзининг бетакрор меъморчилик анъанаси билан дунёга танилган. Ўша шуҳратни тиклаш ва қурилажак иморатларимизга шарқона чирой бериш мустақилликнинг нишоналаридан бири, деб ўйлайман. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши шарқ меъморчилигини тиклаш ҳамда ривожлантириш юзасидан дастур қабул қилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Неъматжон СОДИҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор.

АРДОҚЛИ ЭДИ МАШРИҚДА МЕЪМОР

Дарвоқе, айвонлар ёпиқ хоналардан анча юқори бўлиб, кишилар ёз кунларида оила аъзолари билан кўпроқ ана шу жойда ўтирганлар.

Тарихдан маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Самарқанд рус подшоси империясининг бир бўлагига айланди. Чор қўшинлари шаҳарни босиб олгандан кейин бу ердаги обидаларнинг кўпчилигини бузиб ташлашди. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги сингари Самарқандда ҳам европача шаклда иморатлар қурила бошланди. Ҳовлилик уйлар қуриш таъқиқланди. Темурнинг мавжуд ҳарбий иншоотлари ўзгартирилди. XIX асрнинг охирига келиб Темур қаргоҳига шаҳар маъмурияти жойлашди, бошқа бўлаклари четдан келганларга уй-жой қилиб берилди. Қўрғон эса касалхонага айлантирилди. Унга туташган шарқона ҳаммом ўликхона бўлиб қолди.

Шўро ҳокимияти даврида шаҳарни европалаштириш янада авж олди. Энг даҳшатлиси шундаки, янгидан барпо этилган кўп қаватли турар жойлар тарихий шаҳардаги маҳалла, гузар ва обидаларга мос тушмади. Регистон майдони ҳам тўрт тарафдан қисиб қўйилди. Бу нарса обидаларнинг аста-секинлик билан зах тортишига олиб келди. Кинотеатр, бозор, ресторан ва савдо шохобчаларининг барчаси шаҳарнинг табиий шароити, жуғрофий жойлашуви ҳисобга олинмасдан қурилди. Шоҳи Зинда, Бибихоним ва Регистонни Гўри Амир билан боғловчи композицион йўл йўқолди. Аслида бу шаҳар қурилиши маданиятидаги энг катта йўқотиш эди. Хўш, бунга сабаб нима?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Самарқанд дунёга машҳур бошқа бир қатор шаҳарлар сингари фақат маҳаллий эмас, балки хорижий усталар иштирокида барпо этилган. Надоматлар бўлсинки, кейинги 100 йил давомида биз бу имкониятдан маҳрум бўлдик. Чунки марказнинг сиёсати туфайли дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ажралиб қолдик. Айниқса дини, маданияти, урф-одатлари, меъморчилиги ўхшаш ўлкалар билан алоқамиз узилди. Аксинча, жамики қурилишлар марказдаги мезонлар асосида лойиҳалаштирилди. Ахир маҳаллий маданиятни, кишилар турмуш тарзини яхши билмаган лойиҳачилар биз учун мақбул иморат чизмасини қаердан ҳам тайёрлай олсин?

Шу ўринда Самарқандда Улуғбек номидаги маданий марказ лойиҳаси бўйича ўтказилган халқаро танлов ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Очиғи, бу меъморчилик бўйича мамлакатимизда ўтказилган энг йирик тадбир эди. Самарқандда қад кўтарадиган бундай катта мемориал ҳар томонлама баркамол бўлиши лозим эди. Мен ҳам ана шу танловда ҳиндистонлик Чарлз Кореан, англиялик Абдул Воҳид — Эль Вакиль, АҚШ дан Исмоил Серагелди, москвалик Юрий Гнедовский, Юрий Платонов, ўзбекистонлик Собир Одилов билан биргаликда ҳакамлар таркибида қатнашдим. Маълумингизким, ушбу танловда Патрик Бергер (Франция), Стефан Маг Дуга (Буюк Британия), Хибе Тоши (Япония) А. Ларин, С. Скуратов, Н. Виходцев (собиқ СССР) ва Фарух Иоргачоглу, Кая Ароғлу (АҚШ) лойиҳалари ғолиб деб топилди. Бундан ташқари, яна саккизта ишга фахрий мукофотлар беришга қарор қилинди. Агар эътибор қилган бўлсангиз, ғолиблар ҳамда фахрий мукофот олганлар орасида умуман Ўрта Осиёдан, жумладан Ўзбекистондан ҳеч ким йўқ. Хўш, бунинг сабаби нимада? Шарқ меъморчилигининг шуҳратини тиклаш учун нима қилишимиз керак?

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Фан-техника тараққиёти муаммоларига бағишланган республика кенгаши бўлиб ўтди. Унда республика олдида турган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда илм-фаннинг роли, фан-техника мажмуини бошқаришнинг самарали воситасини вужудга келтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан ўтган йил декабрь ойида бўлган учрашувида қабул этилган қарорга мувофиқ ўтказилди. Ўшанда белгилаб берилган муаммолар атрофида манфаатдорлик билан амалий равишда гаплашиб олинди. Кенгаш ишида олимлар, Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари-нинг, фан-техника жамоатчилигининг, ташкилотлар ва корхоналарнинг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов кенгашни очиб, у масъулиятли ва бурилиш пайтида ўтаётганини таъкидлади. Кўпгина вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикадаги мавжуд фан-техника салоҳиятидан нақадар тўлиқ фойдаланишга, илм-фанни ислоҳ қилиш самарали ва тез ўтишига боғлиқдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг янги фан-техника сиёсатини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Фан-техника мажмуи фаолиятнинг таъсирчан воситасини, фан-техника ва ишлаб чиқариш имкониятларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш учун шароит яратиш, илмий тадқиқотларнинг сифатини ошириш, уларни амалий мақсадлар сари буриб юбориш шу сиёсатнинг бош мақсадлари бўлиб қолмоғи керак. Ўзбекистон фанлар академиясининг вице-президенти А. Ғ. Холмуродов республикада фан ва техникани ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ҳақида маъруза қилди. Озиқ-овқат ва пахтачилик мажмуалари, инсон соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуи, энергетика, минерал хом ашё мажмуалари мана шундай йўналишлар жумласига киради. Шунга биноан фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг асосий йўллари ҳам белгилаб олинди. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ўрганиш соҳасидаги ишлар, ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурсларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш ишлари ривожлантирилади. Химия ва биология соҳасидаги тадқиқотлар, тиббиёт, озиқ-овқат саноати учун керакли моддалар ишлаб чиқариш, сейсмодинамика, математика моделлаш, материалшунослик, биотехнология соҳасидаги тадқиқотлар устивор йўналишлар бўлиб қолаверади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёти йигирма йилга мўлжалланган узоқ муддатли тахминини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Фундаментал тадқиқотлар дастури билан фан-техника дастури республика вазирлар Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланиши лозим. Кенгаш қатнашчилари илмий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурига, олимларнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор бердилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари Э. С. Самандаров, Р. Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ мухбири)



Қарши районидаги маиший хизмат кўрсатиш бирлашмасида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда пластмасса буюмлари цехи ишга туширилади.

Цехда кунига 500 донадан пластмасса пиёлалар тайёрланмоқда. Фойдаланиш учун қулай ҳамда арзон бўлган бу пиёлаларни истеъмолчилар севиб харид қилишяпти.

— Тез орада коса ва ликобчалар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди цех бошлиғи Ҳ. Худойбердиев. — Яна иккита дастгоҳ сотиб оламиз. Ана шунда маҳсулот турларини янада кўпайтириш имконияти туғилади.

Цехда шу йил ёзигача атторлик буюмлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга тутилмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиғи Ҳамро Худойбердиев.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ОҚЛОВ

Шукур, юзимизни ёруғ қилдингиз!

«ПАХТА ИШИ» БИЛАН ҚАМАЛИБ БАРВАҚТ ОЗОДЛИККА ЧИҚҚАНЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА

Илгари хабар қилганимиздек, Республика Президентининг махсус Фармонига кўра «Пахта иши» билан жавобгарликка тортилган барча шахслар янги йил арафасида озод этилган эдилар. Улар орасида Қамаши районидан Муҳаммади Оқназаров, Қоржов Жўраев ва Дўстмамат Эшмаматовлар ҳам бор эди.

Улар янги йилнинг дастлабки куни уй-жойларига, бола-чақалари, қавми-қариндошлари бағрига қайтишди. Уларни ҳамюртлари бир олам қувонч билан кутиб олишди.

«Фарғона» давлат хўжалигидаги Эшмат қишлоғилик Қоржов Жўраев Қамаши пахта тозалаш заводида товаршунос бўлиб ишлардн. Пахтани қўшиб ёзишда қатнашган, катта маблағни ўзлаштирган, деган айб билан 1986 йил 4 январда ҳибсга олинган эди.

— Аслида менга айбим бўлса-бўлмаса 13 йил ноҳақ жазо берилганди, — дейди Қ. Жўраев. — Президентимизга раҳмат! Унинг ғамхўрлиги туфайли мана — 6 йилда чиқиб келдим. Тўғри, беайб парвардигор дейдилар. Ўзимни айбсиз ҳисобламайман. Юқорининг топшириғи билан пахта қўшиб ёзилганлиги сир эмас. Лекин унинг ҳаммасида менинг шунчалик айбим борми? Аммо маблағ ўзлаштиргансан, деган ёрлиқни терговчилар қийнов билан менга ёпиштиришди. Рафиқам, бола-чақаларим, ака-укаларимни жавобгарликка тортиш билан қўрқитишди. Хўрлашди. Гдлян ва Ивановлар билан бирга ўзимизнинг базъзи маҳаллий терговчилар ҳам бўш келишмади. Натижада ҳамма гапни мажбуран бўйнимга олдим.

Мен билан бирга заводда товаршунос бўлиб ишлаган Муҳаммад Оқназаров, Дўстмамат Эшмаматовларни ҳам роса уриб, ҳақоратлаб қийнашди.

Дўстмаматнинг нафасқисма касаллиги бор экан. Шунга ҳам эътибор беришмади. Ҳатто оддий инсонийликнинг ҳам қадрига етишмади. Хулласи, қамоқхонада не-не оғир кунларни бошдан кечирмадик. У кунларни ҳатто душманга ҳам кўрсатмасин...

Инсон умид билан яшар экан. Бугунми, эртами барибир озодликка чиқишни, ҳақиқат ва адолат қарор топишини орзу қилиб юрар эдик. 1991 йилнинг 21 декабрь кунини ҳеч қачон унутмасак керак. Уччаламиз ҳам Қаршидаги қамоқхонанинг ёрдамчи хўжалигида ишлардик. Телевизорда, «Ахборот» кўрсатувида Президентимизнинг Фармонини эшитиб қолдик. Бошимиз осмонга етди. Хурсандлигимиздан туни билан ухлолмай чиқибмиз.

Беш нафар фарзандим бор. Қизим Хайринисони шу ердалигимда турмушга узатдим. Тўрт нафар фарзанд кўрибди. Мен қамоқдалигим да ўғлим Баҳодир уйланибди, қизим Зебинисо турмушга чиқибди. Икки нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғим Бибигул Эшбоеванинг жонига тўзим берсин. У олти йил фарзандларимга ҳам ота, ҳам она бўлган, аёл холи билан рўзғорни тебратган.

«Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ» деганларидек, мана бизнинг хонадонга ҳам қувончли кунлар келди. Оилам аъзолари ҳалоскорим — Президентимизни алқаб ётишибди. Ислом Каримовнинг мартабаси бундан ҳам улуғ бўлсин, дунё турғунча турсин, отасига раҳмат! — дейишяпти.

— Бундан кейин қандай яшамоқчисиз? — дея сўрадик Қоржов Жўраевдан.

— Номимни ҳалол ва поқиза меҳнат билан оқлайман, деди сўзида давом этиб у.

Бугунги кунда Дўстмамат Эшмаматов ва Муҳаммади Оқназаровлар хонадонида ҳам бир олам хурсандчилик.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙИЛ БЎЙИ УН

● Косон райони колхоз ва совхозларида ўтган йили ғалла етиштиришни кўпайтириш бўйича дастлабки қадам ташланди. 14 минг гектар ерда, жумладан 2,5 минг гектар суғориладиган майдонда ғалла етиштирилди. Омборларда 11 минг тонна дон ғамланди. Президентимиз Фармонига биноан унинг бир қисми аҳолига тарқатилди.

Лекин 150 минг кишилик аҳоли учун йилига 18 минг тоннага яқин ун талаб қилинади. Район хўжаликлари ўз ҳудудларидаги аҳолини ғалла билан таъминлаши мумкинми? Район партия, совет ва хўжалик органлари иқтисодий ҳисоб-китобга таяниб, мумкин, деган қарорга келдилар. Шунга кўра аҳолини йил бўйи дон маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан қатор кафолатли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхоз ва совхозларда кузда 19 минг гектар майдонга кузги дон экилди.

— Баҳорда яна пахта майдонлари ҳисобидан 2 минг гектар суғориладиган ерга дон экамиз, — дейди район ижроия комитети раиси Нормурод Аллаёров. — Жами колхоз ва совхозларда 21 минг гектар майдонда дон етиштирилади. Аҳолининг 4 минг гектар ердаги томорқасида униб чиққан яшил майсаларнинг ҳам авжи баланд.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Диққат: янги рўзнома*

«МУРУВВАТ»

Куни кеча республикадаги рўзномалар қаторига яна бир нашр — «Мурувват» ҳафталик рўзномаси қўшилди. Унга Хоразм вилояти Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси, республика ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими муассислик қилмоқда. «Рўзноманинг бош нашири ва эгалари — ўзларингиз, — деб таъкидланади муштарийларга ёзилган мурожаатда. — Вилоят фуқароларининг хатлари, фикрлари, таклифларига асосланиб, етилган ҳаётий муҳим масалаларни ёритиш, аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламлари ижтимоий муҳофазаси тақрир ҳайъати фаолиятида асосий ўринни эгаллайди».

Рўзнома давлат ҳокимияти идораларидан ҳеч бирига, ҳеч қандай сиёсий партияга, уюшма ёки гуруҳга тобе эмас. У фақат қонунга риоя қилади. Мақсади — инсон ҳуқуқи ҳимояси, шиори — ҳақиқатгўйлик, ожизларга, муҳтожларга ёрдам бериш, ҳуқуқий давлатда адолат дастури қарор топишига самарали ёрдам беришдир.

Рўзноманинг биринчи сони муштарийлар томонидан илик кутиб олинди. Унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мавзусида бири-биридан қизиқарли мақолалар ўрин олган. Жумладан, вилоят Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Л. Асқарованинг «Меҳр қолур, муҳаббат қолур», Гурлан районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги раиси А. Вафоевнинг «Деҳқонга мадад керак» сарлавҳали мақолалари ҳамда муштарий саволларига жавоблар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг меҳрибонлик ҳақидаги даъватларидан парчалар Рабғузий, Боқирғоний, Феруз ижодларидан намуналар муштарий диққатини ўзига жалб этади.

«НАВРЎЗ»ГА ЙЎЛЛАНМА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА БОШЛАНГАН ЖУМҲУРИЯТ АНЖУМАНИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Санъат мухлислари бир ҳафта давомида турли бадиий жамоалар томонидан саҳналаштирилган, рангбаранг мавзуларни акс эттирган, ўзига хос талқини ва ижрочилиги билан ажралиб турадиган тўққизта спектаклни томоша қилдилар. Олтита асар кўрик дастурига мувофиқ кўрсатилган бўлса, учта асар ижодий беллашув дастуридан ташқари намойиш этилди.

Санъат мутахассислари, драматург ва маданият арбобларидан тузилган кўрик ҳайъати ўз қарорини чиқарди.

Ҳайъат қарорига мувофиқ, Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрининг режиссёри, жумҳуриятда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Иўлдошев раҳбарлигида саҳналаштирилган «Искандар» (Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достони асосида) ва Фарғона вилоятининг Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги драма театрида саҳнага қўйилган «Тошкентга саёҳат» (Ҳамза асарлари асосида режиссёр Олимжон Салимов бошчилигида ишланган) спектакли ғолиб асарлар деб топилди. Ана шу спектакллар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг шу йил баҳорда Тошкентда ўтказиладиган Халқаро Наврўз анжумани дастурида намойиш этилади. Уларнинг ижодкорларига Ўзбекистон Маданият Вазирлиги ва жумҳурият Театр арбоблари уюшмасининг махсус дипломи, пул мукофоти ва совринлар топширилди.

Бухоро Қўғирчоқ театрининг «Чодир Жамол», Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театрининг «Зўраки табиб», шунингдек, «Илҳом» театр-студиясининг драматург А. Шипенко асари асосида ишланган спектакллари ана шу масъулиятли кўрик кунлари танлов дастуридан ташқари кўрсатишга лойиқ, деган фикрга келинди.

«Ёркин ижрочилик маҳорати учун» деган мукофот А. Ҳидоятов номли театрнинг таниқли актёри Ҳ. Нурматовга, «Энг яхши саҳна безаги учун» деган мукофот унинг жамоадоши рассом Г. Бримга, «Эркак ролининг энг яхши ижроси учун» деган мукофот Фарғона театрининг актёри М. Юсуповга, «Ижодий режиссёрлик изланишлари ва ёшларнинг актёрлик дастасини тузганлиги учун» мукофоти рус ёш томошабинлар театрининг режиссёри Н. Абдураҳмоновга берилди. Фарғона театрининг рассоми В. Михайличенко, рус ёш томошабинлар театрининг вакили И. Меламед, Хоразм театрининг актёри Ж. Нуруллаевлар ҳам махсус мукофот билан тақдирландилар. Бир неча актёр-актрисага анжуманнинг дипломи топширилди.

А. ЮСУПОВ.

Сиз кўриб турган суратдаги бу киши Пастдарғом ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалигининг дизелчи механизатори Отамурод Холмуродовдир. У шу жамоа хўжалигида ўн беш йилдан бери меҳнат қиляпти. Ўз касбининг устаси бўлган Отамурод Холмуродов меҳнатсеварлиги билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

У ер ҳайдашдан тортиб, то ариқ олишгача бўлган юмушларни сидқидилдан бажаради. Чунки бўлғуси ҳосил чўғи бугунги ишнинг сифатли бажарилишига боғлиқ эканини яхши билади. Ҳосил мўл бўлса, дастурхон ҳам тўкин-сочин бўлиши сир эмас. Унинг бутун диққат-эътибори ана шунга қаратилган.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат.

• «Ўзбекистон овози» нажот хизмати

Рўзномамизда «Нажот хизмати» очилгандан бери жойларда юз бераётган ноҳақсизликлар, камчилик ва нуқсонлар қаламга олинган мактублар оқими кўпайди. Биз уларни жойларга юбориб, ўртага қўйилган масалалар қай тарзда ҳал этилаётганлиги хусусида тегишли ташкилотлардан жавоблар оляпмиз. Қуйида шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ОЙЛИК МАОШ ОШИРИЛДИ

«Биз ветеринария ходимларининг иши анча оғир. Баъзан кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлашимизга тўғри келади. Иш шароитимиз оғир бўлса-да, жамоат ва аҳоли чорвасининг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаракат қиляпмиз. Ўз меҳнатимиз билан гўшт, сут етиштиришга ҳисса қўшмоқдамиз.

Аммо оладиган маошларимиз ҳозирги шароитда оила тебратишга етмаяпти. Бунинг устига товон пули бизда ҳануз оширилгани йўқ.

Р. ТИЛЛАКОВ,
Қоракўл район ветеринария станцияси ходими».

Собиқ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИдан қуйидаги жавоб олинди:

— Шикоят хати ветеринария станцияси жамоаси билан биргаликда кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам вилоят ветеринария хизмати ходимларининг ойлик маоши бошқа соҳа ходимларининкига нисбатан кам. Ўтган йилнинг декабрь ойигача станция ходимларига ойига 60 сўмдан товон пули тўлаб келинган.

Август ойидан бошлаб, ҳар ойда республика бюджетидан қўшимча 40 сўмдан берилиши керак эди. Аммо бу пул вилоят бюджетига декабрда келиб тушди. Шу пуллар одамларга йил охирида тарқатилди.

Республика Президентининг Фармонига биноан шу йил январь ойидан бошлаб ойлик маош оширилди. Қоракўл районидаги ветеринария ходимларининг маоши ҳам 1992 йил вилоят бюджетини кўриб чиқишда инобатга олинади.

УЙ АЖРАТИЛДИ

«Ҳурматли таҳририят! Мен Мансур Акбархўжаев олти кишидан иборат оила аъзоларим билан бир хоналик уйда яшаймиз. Қийналиб кетганимиздан бир неча маротаба юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Лекин фойдаси бўлмаяпти.

М. АКБАРХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри».

Собиқ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИдан шундай жавоб келди:

— Фуқаро М. Акбархўжаевнинг аризаси шаҳар ҳокимияти томонидан кўриб чиқилди. Ҳақиқатан М. Акбархўжаев ўзи, рафиқаси, уч нафар фарзанди ва 1912 йилда туғилган кекса онаси билан Марказ 17/18 мавзесидаги 44-уйнинг майдони 16,7 квадрат метр бўлган 13-хонадонида истиқомат қилади.

Ариза муаллифининг онаси Ёқут Акбархўжаева 1986 йил 29 августда Собир Раҳимов район ижроия қўмитасининг қарорига асосан уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар рўйхатига киритилган.

Бу оиланинг шароити оғирлигини ҳисобга олиб, Собир Раҳимов район ижроия қўмитасининг 1991 йил 5 ноябрь қарорига асосан уларга навбатсиз «Сирғали-1» мавзесидаги 13-уйнинг турар жой майдони 53,3 квадрат метр бўлган тўрт хонали 20-хонадони ажратилди.

Фуқаро Ё. Акбархўжаева оила аъзолари билан яшаб турган хонадонидан рўйхатдан ўчиб, янги уй учун ёзилган ҳужжатни олиши мумкин.

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

«Биз 1956 йилдан бери Жомбой районидаги «Правда» жамоа хўжалигининг учинчи бригадаси ҳудудида яшаймиз. Кейинги йилларда аҳоли сони бир неча баробар ошган бўлса-да, хонадонларимизни ёритишга хизмат қиладиган трансформатор ўзгартирилмади. Шу туфайли далада ишлаб қайтгач, чироқларимизнинг хиралиги, тез-тез ўчиб қолишидан қийналяпмиз. Радио эшитиш, телевизор кўришнинг иложи бўлмаяпти.

С. ҲАМДАМОВ,
жами 5 имзо».

Текшириб, чора кўриш учун юборилган шикоятга ЖОМБОЙ РАЙОН КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ қуйидаги мазмунда жавоб юборди:

—«Правда» жамоа хўжалигининг 2 ва 3-бригадалари ҳудудидаги электр тармоқлари қувватини ошириш район электрлаштириш ташкилотига юклатилди.

1993 йилда қишлоқда қўшимча электр тармоқлари қурилади. Ҳозирги кунда фойдаланилаётган электр қувватининг пастлигини эътиборга олиб, юқори кучланишли трансформаторни шу йил ичида ўрнатишни район электрлаштириш ташкилоти ўз зиммасига олди.

Бу ишнинг амалда бажарилиши назоратга олинди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ - ФИРМАНГИЗ ҚИЁФАСИ
ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХИЗМАТ ХОНАСИ - АЪЛО КАЙФИЯТ, АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР

Агар сиз хизмат хонангизга қаҳвахона ёки концерт залингизга замонавий ва ўзига хос қиёфа бағишламоқчи бўлсангиз "БИККС-АЛИНА" уюшмаси
СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Биз турли-туман манзарали пардозлаш материалларидан қуйидагиларни таклиф қиламиз:

темир ва чарм билан пардозланган девор панеллари;
тилларанг ва оқ тусли алюминийдан турли бадиий услубларда ясалган осма шиплар;
ўзига хос шаклдаги шамчироклар. Улар девор ва шиплларнинг металл безаклари билан яхши уйғунлашиб кетади, хона ўзига хос ёритилади.

Маҳсулотларимиз енгил йиғилади, улардан фойдаланиш осон, узоқ вақт хизмат қилади.

Ўз уйим ўлан тушагим, дейишади. Аминмизки, "БИККС-АЛИНА" фирмасининг жиҳозлари билан безатилган хоналар сизга ғоят ҳузур бағишлайди.

Манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91=31=08, 98=64=53, 68=70=35

Тошкентдаги телефакс 8(3712) 904197.

"БИККС-АЛИНА" УЮШМАСИ.
"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

БИККС

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ УМУМИЙ ИШИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг бирор-бир маҳсулотни - ускуналар, хом ашё, транспорт воситасини сотиб олиш ёки сотиш билан, у ёки бу хизмат билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса,

"БИККС-АЛИНА" БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ УЛАРНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР!

"БИККС-АЛИНА" брокерлик фирмаси мамлакатимизнинг энг йирик 8 фирмасида: Россия мол-хом ашё, Москва мол фирмаларида, Россия деҳқончилик биржасида, "Санкт-Петербург" биржасида, Бутунроссия кўчма мулк биржасида, "Тошкент" универсал мол биржаси, Қирғизистон мол-хом ашё биржасида, Россия ўрмон биржасида ўз идораларига эга. Шунингдек, "БИККС-АЛИНА" турли биржалардаги яна 18та брокерлик идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Ахборот-брокерлик хизматига узоқ муддатли шартномалар тузилган тақдирда "БИККС-АЛИНА" фирмаси ўз мижозларига брокерлик фоизидан маълум қисмини чегириб ташлайди, олди-сотди тугаганидан сўнг 24 соат мобайнида уларни биржадаги нархлар, моллар, хизматларга доир тўлиқ ахборотлар билан таъминлайди.

Бозорни яхши билиш, кенг алоқалар, тажрибали брокерлар ва самимий муносабатлар муаммоларингизни биргаликда ҳал қилишимизга ёрдам беради.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент-146, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча.

Тошкентдаги телефонлар: 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

Тошкентдаги телефакс 8(3712) 904197.

"БИККС-АЛИНА" УЮШМАСИ.
"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

• 3, душанба

● **ЎзТВ-I.**
18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.30 Санъат ғунчалари. 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.45 «Билиб қўйган яхши». 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Суянчим — шеърият». 20.40 Най наволари. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 Жаҳонга йўл. 21.45 Нуқтаи назар.

● **ЎзТВ-II.**
«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади. 18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Таклиф». 20.00 «Шифокор маслаҳати». 20.30 «Лаҳза». 20.40 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Тезлик». Бадиий фильм. 22.20 «Лаҳза».

● **«ОРБИТА IV» (Москва).**
6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 8.45 «Рок—сабоқ». 9.35 «Бир чимдим туз». 9.40 В. Егоров қўшиқлари. 10.10 «Етти кўл мамлакати». 11.00 Фильм-концерт. 12.00 Янгиликлар. 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.20 Бу бўлган, бўлганди.... 15.40 «Қўй курагида фол очиш». Бадиий фильм. 17.00 Катталар учун мультфильм. 17.10 Тўпли хоккей. 18.00 Янгиликлар. 18.20 Футбол шарҳи. 18.45 «Эмэйшанлик «Темир панжа» сири». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Муаллифлар ойнаижаҳони. 23.45 Фулл—контакт бўйича кикбоксинг професионаллари уюшмасининг чемпионати. 00.35 «Қўй курагида фол очиш». Бадиий фильм. 02.00 Телефильм. 02.55 Рок—н—ролл бўйича жаҳон чемпионати усталари.

Дубль IV (Москва)
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Рус тили. 10.35 Концерт. 11.15 Оқ қарға. 12.05 Ўхшаш дунёлар. 12.50 «Ҳаммаси — қалбим ва тақдирим». 13.15 «Соло». 16.00 Болалар соати. 17.00 Тадбиркорлик ва анъаналар. 17.15 Казаклар давраси. 17.45 Ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Қирралар. 19.10 Россия билан юзма-юз. 19.30 Сиз яратган боғ. 20.00 Ишдан бўш пайтингизда. 20.15 Ҳар куни байрам. 20.25 «Абилен шаҳри». Бадиий фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 Спорт хабарлари. 22.30 «Бешинчи ғилдирак».

• 4, сешанба

ЎзТВ—I.
8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Концерт. 8.45 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм. 10.20 «Ёшлик». 18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.30 Депутат ва ҳаёт. 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Нафосат олами. 19.55 Спортлото. 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 Телефильм. 20.20 Концерт. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 21.35 Санъат усталари. 22.50 «Инглиз карабиндаги учта гильза». Бадиий фильм.

ЎзТВ—II.
«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади
18.30 Мультфильм. 18.55 Болалар учун фильм. 20.00 Мусиқий меҳмонхона. 20.30 Пульс. 20.40 Бу оқшомда. 22.10 Пульс. 22.20 Кинонигоҳ.

Орбита IV. (Москва).
6.00 Тонг. 8.35 Мультфильм. 9.10 Момиқ қорли қиш. 9.40 Телефильм. 10.20 «Эмэйшанлик» «Темир панжа» сири». Бадиий фильм. 11.30 Футбол шарҳи. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Концерт. 12.40 Ритмик гимнастика. 13.10 Сиз бунга қодирсиз. 13.55 «Шаҳар». 14.20 Биржа янгиликлари. 14.35 «Бу сизга керакми?». 14.45 Савдо растаси. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Концерт. 15.55 «Мускал». Бадиий фильм, 1-серия. 17.15 Чемпионлар билан биргаликда. 17.20 Болалар мусиқий клуби. 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Ерда яшаб, ошини ошаб...». 18.50 Мультфильм. 19.05 «Куриль Пасянси». 19.25 «Ака-ука Карамазовлар». 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Фермата». 21.50 «Лондондан меҳр билан ёки...» 22.35 «Қойил». 00.50 «Спидвей». 01.20 «Яккаю-ёлғизлар». Бадиий фильм. 02.10 Телевизион мусиқий абонемент.

Дубль IV (Москва).
8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Француз тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.05 «Ревю-Кавказ». 11.50 «Поной» унутилган қишлоқ». 12.15 «Бешинчи ғилдирак». 16.00 Яҳудийлар мусиқаси. 17.10 Проктор. 17.40 Ахборот-тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Урал ТВ». 19.05 Космополис. 19.50 Россия билан юзма-юз. 20.05 Ишдан бўш пайтингизда. 20.20 Ҳар куни байрам. 21.30 Ю. Подниекс фильми. 20.55 Актёрлик санъати. 22.00 Хабарлар. 22.25 Қайрилиб боқ. 22.55 Ажиб дамлар.

• 5, чоршанба

ЎзТВ—I.
8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Телефильм. 8.50 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 10.25 «Ёшлик». 18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.40 Халқ амалий санъати. 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 «Меҳр». 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Муносабат». 20.30 «Дирижёр ҳикоя қилади». 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Санъат усталари». 22.10 «Тутилсин ва зарарсизлантирилсин». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II.
10.30 Биология. 11.00 Телефильм. 11.30 Кимё.
«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади. 18.30 Мультфильм. 19.20 Билим уфқлари. 19.50 Спринт. 20.10 Қизиқарли учрашувлар соати. 21.10 «Ҳамид Сулаймон». 21.40 Устахона. 22.25 «02» тўлқинида. 22.45 «Виктория». Бадиий фильм.

Орбита IV (Москва).
6.00 Тонг. 8.35 Мультфильм. 9.05 «Чемпионлар билан биргаликда. 9.20 Болалар мусиқий клуби. 10.00 «Ака-ука Карамазовлар». Бадиий фильм. 11.20 Концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Фильм-балет. 12.50 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.30 Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин? 13.45 «Сўнгги шаман». 14.10 Ён дафтар. 14.15 Телемикст. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Оберон». 15.30 «Мускал». Бадиий фильм, 2-серия. 16.40 Мультфильм. 17.00 Болалар ўйнайдиган театр. 18.00 Янгиликлар. 18.20 Телефильм. 18.55 Бозор қонунларига биноан. 19.35 «Ака-ука Карамазовлар». Бадиий фильм, 2-серия. 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Қора қути». 22.30 «И. Тальков тушлари». 23.30 Илҳом. 23.45 Концерт. 00.35 Волейбол. 01.15 Яккаю-ёлғизлар». Бадиий фильм, 2-серия. 02.00 Қадимий романслар. 02.50 Монолог.

Дубль IV. (Москва).
8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Немис тили. 9.35 Русча стиль. 10.10 Шоирлар ижодидан. 10.50 Мен ва бошқалар. 12.15 «Рус маданияти ҳақида суҳбатлар». 13.00 «Интерагро» таклиф этади. 15.40 Болалар соати. 16.40 «Телеэко». 17.10 «Узоқ Шарқ» телекўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 Криминал хабарлар. 18.50 «Серафим Саровский. Қайтиш». 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. 19.55 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.20 Ҳар куни байрам. 20.30 Консилиум. 22.00 Хабарлар. 22.20 Культуристларнинг халқаро турнири. 22.50 Рус мавсумлари. 23.40 Ҳужжатли фильм.

• 6, пайшанба

ЎзТВ—I.
8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Олмахон Ҳайитова куйлайди. 9.00 «Ғуғуртга кетиб». Бадиий фильм. 10.35 Касблар ҳақида ҳикоялар. 11.05 «Дўстлик» студияси кўрсатади. 18.00 «Ўзбекистон». 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ассалом, Навоий». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Алифбо сабоқлари. 20.00 «Ўзбекистон». 20.10 «Мустақиллик ва ташқи сиёсат». 20.30 Жума оқшоми. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 22.50 Ҳамшаҳарлар.

ЎзТВ—II.
10.30 Ботаника. 11.00 «Қушиқларим сизга». 11.30 Табиатшунослик. 18.30 **«ТОШКЕНТ» студияси кўрсатади.**

Орбита IV (Москва).
6.00 Тонг. 8.35 Мультфильмлар. 9.10 Болалар ўйнайдиган театр. 10.05 «Ака-ука Карамазовлар». Бадиий фильм, 2-серия. 11.15 Телефильм. 11.45 Концерт. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Инсон ва қонун. 13.00 Ҳайвонот оламида. 13.45 «Сўқир». 14.15 Телемикст. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ёрдамга чақириш». Бадиий фильм. 16.55 «Қизча ва тимсоҳ». 18.00 Янгиликлар. 18.20 Концерт. 18.40 «16 ёшгача ва ундан катталар». 19.20 «Криминформ» хабар қилади. 19.30 «Ака-ука Карамазовлар». Бадиий фильм, 3-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар». 21.20 Мусиқага таклиф. 22.35 Телефильм. 23.40 Мусиқий башорат. 00.10 «Яккаю-ёлғизлар». Бадиий фильм. 3-серия. 01.00 Халқаро фольклор фестивали. 01.55 Театр учун эртаклар.

«Дубль IV» (Москва).
8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Испан тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 «Саломатлик». 11.05 «К—2» таништиради. 13.30 Фольклор кўрсатуви. 16.30 Россия маданиятига ким ёрдам беради? 16.45 Жаҳон бозорининг калити. 17.15 Ахборот тижорат кўрсатуви. 17.35 Россия билан юзма-юз. 18.00 Хабарлар. 18.25 Қирралар. 19.10 Асл ҳолича. 20.05 Ишдан бўш пайтингизда. 20.20 Ҳар куни байрам. 20.30 Махсус тижорат хабарномаси. 20.40 «Санта Барбара». 21.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Бешинчи ғилдирак».

«ОЙНАИ ЖАҲОНДА» КЎРИНГ
3 — 9 февраль

• 7, жума

ЎзТВ—I.
8.00 «Ўзбекистон». 8.20 Лайли ва Мажнун». Видеофильм, I-қисм. 9.50 Барҳаёт наволар. 11.00 «Омад». 18.00 «Ўзбекистон» 18.10 Мультфильм. 18.30 Фермер хўжаликларида». 19.00 «Ўзбекистон». 19.15 Тижорат хабарлари. 19.20 Инсон ва қонун. 20.00 «Туркистон» ахборот. 20.10 Концерт. 21.00 «Ўзбекистон». 21.20 «Лайли ва Мажнун». Видеофильм, 2-қисм. 22.35 «Севги сароблари». Бадиий фильм.

ЎзТВ—II
АШХОБОД кўрсатади.
«Орбита IV (Москва).
6.00 Тонг. 8.35 Мультфильм. 8.55 «16 ёшгача ва ундан катталар». 9.35 Ака-ука Карамазовлар». Бадиий фильм, 3-серия. 10.50 Телефильм. 12.00 Янгиликлар. 12.20 Концерт. 12.55 Саёҳатчилар клуби. 13.55 Ён дафтар. 14.00 Бридж. 14.15 Биржа янгиликлари. 14.45 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар. 15,20 Концерт. 15.40 «Ёрдамга чақириш». Бадиий фильм. 16.55 «Умид» хайрия фестивали. 18.00 Янгиликлар. 18.20 Инсон ва қонун 19.00 Ҳужжат. 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 5-серия. 19.50 «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Г. Данелия билан учрашув. 21.50 «ВИД» таништиради. 01.05 Альбервилли йўлида. 01.25 «Яккаю-ёлғизлар». Бадиий фильм, 4-серия. 02.15 Америкача таътиллар. 03.15 Концерт.

«Дубль IV (Москва).
8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Бурда Моден» таклиф этади. 11.05 Асл ҳолича. 12.00 «Бешинчи ғилдирак». 15.20 Ҳужжатли кино. 16.35 Простор. 17.05 Деҳқонларга таалуқли масала. 17.30 Шоир Ю. Влодов. 18.00 Хабарлар. 18.25 Ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.55 «Версия». 19.10 Очиғини айтганда. 19.40 Ишдан бўш пайтингизда. 19.55 Ҳар куни байрам. 20.05 «Санта Барбара». 20.55 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 21.20 «Россия фермери: келажакка қарасак. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Тилла шпора». 23.25 Актёрлар тунги клуби.

• 8, шанба

ЎзТВ—I.
8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Лайли ва Мажнун». Видеофильм, II-қисм. 10.15 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.45 Бизга мактуб йўллабсиз. 11.15 «Бозор майдонидаги от ўйини». Бадиий фильм. 10.40 Концерт. 13.20 «Замандас». 14.20 «Ёшлик». 18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.50 Томошабинлар билан мулоқот. 21.00 «Ўзбекистон». 21.30 «Лайли ва Мажнун». Видеофильм, III-қисм.

ЎзТВ—II
ДУШАНБЕ кўрсатади
Орбита IV (Москва).
7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 Мультфильм. 9.00 «Уйғонаётган Африка». 10.00 Мусиқий кўрсатув. 10.30 Марказ. 11.10 Фортепиано. 11.40 «ЭХ». 11.55 Мультфильм. 12.15 Тадбиркор. 13.30 Мусиқий дўкон. 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 15.20 «Веди». 15.50 Мультфильм. 16.15 «Ғамгин вальс». 16.20 Халқаро телемарафонига. 16.35 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 17.15 Олимпиачилар зиёфати. 18.15 «Ғам ема». 19.50 Мультфильмлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Концерт. 20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 XVI қишки олимпиа ўйинларининг очилиши. 22.45 «...Маъзур тутинг, А. Пушкин». 23.15 «Қақнус». 00.15 Хоккей. 02.55 «Жиноятчи гул юборибди». Бадиий фильм. 03.55 Саҳна ортида.

Дубль IV (Москва)
8.00 Хабарлар. 8.20 Увертюра. 9.00 **«Ўзбекистон телевиденнесининг «ДУСТЛИК» видеоканали.** 15.00 «Мен бу ерга бошқа келмайман». Бадиий фильм. 16.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 17.00 АҚШ ҳафталик кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 «М—трест». 18.50 Мультфильм. 19.20 Русча стиль. 19.50 «Санта Барбара». 20.40 Ҳар куни байрам. 20.50 Қишки олимпиа ўйинларининг очилиши. 22.45 Хабарлар. 23.05 Концерт.

• 9, якшанба

ЎзТВ—I.
8.00 «Ўзбекистон». 8.30 «Лайли ва Мажнун». Видеофильм, III-қисм. 10.00 Араб тили. 10.30 «Ойижон мен тирикман». Бадиий фильм. 11.40 Театр ва замон. 12.40 Қувноқ стартлар. 13.30 «Ёшлик». 18.00 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Концерт. 19.40 «Меҳр кўп кўргаздим». 21.00 «Ўзбекистон». 21.30 Навоий гулшани. 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ЎзТВ—II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ.
9.05 Мультфильм. 9.25 «Бобоқ, сенин жомагун». 9.45 Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз. 10.15 «Ачик конул балдарбиз». 10.35 Ҳамма, ҳаммага хайрли кун. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Ир кесе». 19.30 «Ала-Тоо». 19.50 «Ир кесе». 20.40 Кечки видеосалон.

«Орбита IV» (Москва).
8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 Спортлото. 8. 45 Спорт ҳамма учун. 9.15 Мультфильмлар. 9.35 Эрта саҳарлаб. 10.20 «Бир эркак қандай қилиб ҳаммамизни боқмоқчи?» 11.00 Тонг юлдузи. 11.50 Рукн премьераси. 13.05 Мусиқадан сюита. 13.20 «Камалак». 13.50 XIV қишки олимпия ўйинлари. 15.30 Янгиликлар. 15.50 Мультфильмлар. 16.10 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. 16.20 Саёҳатчилар клуби. 17.20 «Бир боқишда муҳаббат». II-кун. 18.00 Концерт. 18.30 «...Уолт Дисней таништиради...». 19.20 Янгиликлар. 19.35 Телепация. 19.55 Ялтада Рождество байрами. 20.25 Телеспектакль премьераси. 22.00 Якунлар. 22.45 Мультфильмлар. XVI қишки олимпия ўйинларида 23.00 Чана спорти. 23.30 Конькида югуриш спорти. 00.15 Трамплиндан сакраш. 01.00 А. Серовнинг янги қўшиқлари таништирилади. 02.00 Концерт-фантазия.

Дубль IV (Москва)
8.00 Хабарлар. 8.20 Александр Новиковнинг қора ва оқи. 9.00 «Ҳоҳ ишонинг...». 9.30 Ишбилармон аёл. 10.00 Севги иқрори. 10.15 Кончилар адабий клуби ҳақида ҳикоя. 11.00 **Ўзбекистон телевиденнесининг «ДУСТЛИК» видеоканали.** 15.20 Рождество томошалари. 15.50 Саралаш тури. 16.00 Ҳайвонот оламида. 17.00 Баскетбол. 18.00 Хабарлар. 18.20 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.35 «Менга сўз беринг». 18.50 Мультфильм. 19.00 Қишки олимпия ўйинлари. Тоғ чанғиси. 19.45 Шоу томошалари. 20.40 Ҳар куни байрам. 20.50 «Санта—Барбара». 21.40 Мусиқий фильм. 22.00 Хабарлар. 22.35 «А» программаси.

[«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафталиги асосида тайёрланди].

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1992 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 10.00 ДА

КИНО УЙИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА

(Ўзбекистон проспекти, 98-уй)

Ўзбекистон жумҳурияти Савдо-саноат палатасининг
НАВБАТДАГИ СЪЕЗДИ БЎЛИБ ЎТАДИ

ЎЖ ССП Президиуми ҳақиқий аъзоларини ушбу съезд ишида иштирок этишларини сўрайди.

Мурожаат учун телефонлар: 39-11-88, 39-11-17, 39-11-89. ЎЖ ССП Президиуми.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИНИ

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғ. Ҳамидуллаевга онаси

Қурбонхон СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари лауреати Т. Азизовга онаси

Комилахон АЗИЗОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Тиббиёт Олий билимгоҳининг 2-клиника касалхонаси раҳбарияти ва қулоқ, томоқ, бурун касалликлари бўлимининг жамоаси бўлим бошлиғи Н. К. Жабборовга отаси

ЖАББОР ўғли ҚУРАКБОЙнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт Давлат Қўмитаси жамоаси Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Ўзбекистон Республикаси спорт фахрийлари кенгаши раиси

Абдулла Мирзаевич ҚУЗИБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъ

ГУРУНГ

• *Маънавият*

ОТАЛАР СЎЗИ—АҚЛНИНГ КЎЗИ

Ойтўлдидаги бундай ҳислат ва фазилатларнинг кўплиги, унинг доно ва камтарлиги Кунтуғди элигни тобора хушнуд этади. Элиг унга вазирлик унвонини беради. Унга муҳр беришади, қўлига туғини тутқазишади. Сарполар кийгизишади.

Ойтўлдининг вазирлик мартабасига эришуви эл-юрт учун ҳам нафли бўлади. Мамлакат гуллаб-яшнайди. Халқнинг ташвиши ариб, ғамлари кетади.

Элда янги қишлоқ ва шаҳарлар барпо бўлади. Хазина тўлиб-тошиб боради. Элигнинг шуҳрати ҳам тобора ортиб бораверади. Эл-юрт бойийди. Орадан йиллар ўтади.

Ойтўлди ҳам орзу-тилакларини тўла топди. Аммо ўзи қариб қолди. Неъмат тугал бўлса, уни тўла еб бўлмайди, деганларидек, дононинг шундай сўзи бор: дононинг сўзи билимсизга кўздир.

Йиқилган, пасайган кўтарилади, кўтарилган эса пасаяди. Ёришган қоронғилашади, юрувчи тинади. Шунингдек, Ойтўлди ҳам тилакларига эришди, аммо тирикчилиги ҳам охирлаб қолди:

Яна емирилди бу тўлган ой,
Қодир қишга кирди баҳор чиройи.
Ярашиқ мижози қоришди тугал,
Бириси кучайди, бирин босса сал.
Мижози айниди, ош бўлди заҳар,
Чўкиб кетди кўнгли, дард ошди баттар.

Оғир дард келиб уни тўшакка ётқизиб қўйди. Турли табиблар келди. Унинг томирини кўришди. Ҳар бир табиб ўз билганларини айтди. Улар кўрмаган даво, эм қолмади. Унинг касали тобора кучаяр, мадори қуриб борарди.

Ойтўлдининг яккаю-ягона фарзанди бўлиб, унинг исми Ўгдулмиш эди. Ўгдулмиш бу пайтда жуда ҳам ёш эди. У ўғлини ёнига чақириб, кўзларидан юм-юм ёш тўкди.

Деди: ўғлим, ўлим домига оғди,
Ана: ўрним, дунё — барчаси қолди.
Сен эдинг кўзимга нури беадо,
Кетарман, жон ўғлим, энди алвидо.
Бу ҳақда турк беги яхши сўзлаган,
Ўғил-қиз — кўрар кўз нуридир, деган...

Шундан сўнг Ўгдулмишга Ойтўлди бир қатор насиҳатлар беради: — Менинг ягона ташвишим, — дейди у, — сенинг кейинги ҳаётингдир. Отанинг иш амали ўғлига сингса, унинг ҳулқида жилвагар бўлади. Боланй тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди.

Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар ҳатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.

Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини созлаши, тўғрилик ва ростгўйликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли — равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан узоқ турмоғи шарт. Ёмонлик илонга ўхшайди: у чақиши, хатто ҳалок этиши ҳам мумкин.

Дўстликка ярамайдиган шахснинг энг ярамаси — чақимчи.

Барча сўзни эшит, аммо дарров ишона қолмагин. Уни мантиқ тарозисига солиб кўр. Уз сирларингни ҳар кимга очма. Юмшоқ кўнгиллилик одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Уятсиз кишидан мудом узоқ бўл. Номусли, уят-андишали билан дўст тутин. Бирор ишда шошилма. Сабр ва қаноат қил. Йўл-йўриқнинг ўртачасини тут. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра. Хиёнат элидан четда бўл. Узингга лойиқ билмаган зиённи ўзгаларга лойиқ билма. Ғазабингни бос, доимо оғирлик қил. Сабр қилиш ҳам — жасурлар иши. Шунингдек:

Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг.
Ёру-дўстга доим яқинлик упа,
Улуғу, кичикка боқа бил кўпа.

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»дан.

• *Шунақаси ҳам бўлади*

Жанубий африкалик Хеннинг Ван Асехан кексайганда келинлар танловини ўтказишни ихтиёр этди. 87 ёшли бу миллионер нуфузли «Стар» рўзномаси орқали «иффатли, андишали, каттагина меросни тежаб-тергаш қобилиятига эга бўлган маликани излаётганини», маълум қилди. Бу хабар дунёга тарқалди. Зеро, қариб қўйилмаган бойваччанинг уйланиш бобида ўзига хос талаблари ҳам бор эди. Жумладан, келинликка даъвогарлар 30-40 ёшларда бўлиб, ҳали эр кўрмаган, жуда ҳам семириб кетмаган бўлишлари лозим эди. Борди-ю, бўлажак хотин кутилмаганда «тўқсонбойни» туғиб бергудек бўлса, миллионер 25 фермасидан бирини ҳадя этиши мумкин экан.

Хонага кўринишидан одмигина, сочлари майда ўрилган аёл ижозат сўраб, кириб келди. «Кўнгилдаги гапларни айтсам, — деди салом-аликдан кейин, — қулмайсизлар».

— Билсангиз, мен асли Аълохонтўра Эшонбобо авлодидан бўламан. У кишини Нурмуҳаммад табиб ҳам дейишган. Дин пешволаридан, илмли, олим одам эдилар. 97 ёшларида ҳаётдан кўз юмганлар. Кўпчилик бувамни табиб, башоратчи, уйдан туриб даволовчи сифатида ҳурмат билан эслайди. Бувим Зулфия момо фолбинлик қилган эканлар. Онам Шодмон аянинг ҳам табибликдан андак хабарлари бўлган. Отам Самад ака эса салкам 90 йил умр кўриб, мошпўрашлик қилганлар. Шу авлоддан ҳозир мен билан акам Қаландар қолганмиз. Менинг исмим Улашбиби.

Асли биз Қаршида камол топганмиз. Етти ёшимда жуда яхши эслайман, Файзиобод сойига тушиб кетганман. Мени кўп қидиришган. Бир соатлардан кейин Ҳизирбува мени онамга топшириб, ғойиб бўлган.

17 ёшимда эса ажабтовур воқеа юз берди. Бедаво дардга чалингандай, ётиб қолгандим. Баҳор чоғлари эди. Шифокорлар мендан умидларини узишган. Отам билан онам ҳам энди бўлмади, деган ҳаёлга боришди. Бир кун кечаси уйда кучли шамол, гирдоб юзага келди. Чойнак-пиёлалар синди, кўрпачалар кўтарилиб тушди, чироқ ўчиб қолди. Ётган еримдан кўзғалганимни сездим. У ёғини билмайман...

Юзимга намхуш салқин ҳаво урилгандан ўзимга келдим. Кўзимни очсам, булутлар орасида зуғ боряпман. Нимадир икки қўлтиғимдан олган. «Фақат олдинга қара!» деган дўриллаган овоз келди. Олдинда эса кучли ёғду кўзга чалинар, қида мулоҳазалар билдирилди. Оламдагиларнинг ўзаро муомалалари, кейинги даврларда савобли ишлар қатори гуноҳли ишлар бўлаётганини, вақтнинг етишмаслиги, ишларнинг битмаслиги каби юмушларнинг ҳаммаси бу ерда аён бўлиб тургани маълум қилинди. Яхшилик ва эзгуликни ўйлаш, савобли ишларга қўл уриш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, поклик, ҳаром ва харишни фарқламоқ муҳимдир...

Орқа билан юриб ташқарига чиқдим. Эшикда мени кийинтиришди. Гўё қанот пайдо бўлгандек, уча бошладим. Икки гўзал қўлтиғимдан олди.

Боғу-эрамга бордик.

Кейин биз бошқа сайёрага учиб ўтдик. Узиучар, нотаниш ликопчасимон қандайдир аппарат пайдо бўлди. Биз етти киши бўлиб, унга чиқдик. Билсам уларнинг ҳаммаси авлиёлар экан. Ўзаро суҳбатидан пайқадим. Кўп ўтмай қулойишарди. Қарасам, мени телбага чиқариб, қўлимга ҳужжат тутқазадиганга ўхшашди. Ахир, ўзимдан қочиб-қутила олмайман-ку. Биламанки, бировнинг дардини олмасдан яшай олмайман. Ҳайтовур эркин замонлар келди. Ҳамма нарсага рухсат этилди.

— Фақат башоратчи бўлиб, олдиндан бўладиган нарсаларни айтиш билан кифояланасизми ёки одамлар сизнинг қобилиятингиздан фойдаланиб, ўз дардларидан форғ бўляптиларми!

• Биз билмаган дунё

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН САДО

— Буёғини сўрасангиз, фақат одамларга шифо беribгина қолмай, ёки улар тақдири ҳақида ҳикоя қилмай, мустақил Ўзбекистоннинг янги кон маъданлари қаерда жойлашганини ҳам айтишим мумкин. Лекин ҳозирмас. Мустақилликни мустаҳкамлаб олайлик. Бу ишлар қочмас. Балким қизим Зулфия мендан ҳам кўпроқ карамоатлар кўрсатар. Чунки, унинг имкониятлари каттароқ. Яхшиям қизимни осмондан тушган бир кўзли меҳмонга бермаганман. Ярим тунда қаттиқ олишув юз берганди, ўшанда. Унинг тирноқ излари юзларимда ва оёқларимда қолган. Зотан, Зулфия сайёралар билан муттасил мулоқотда бўлиб келмоқда. Ҳозир унга ишониб, сайёраларнинг «калитлари» топширилган. У мамлакат миқёсида мутахассислар эътиборини тортиб турибди. Осмондан келадиган садоларга мувофиқ бир неча марта олисдан келувчи ғаройиб учқичларни қўндиришга муяссар бўлди. Энди баҳор ойларида яна бир бор мулоқотда бўлишни мўлжаллаб турибди.

Даволаш масаласига келсак, одамлар жигар, ўпка, нафас, аллергия, бўқоқ, бош оғриғи, асаб, қон босими, қанд, ошқозон, юрак ўйноғи, кўз, қулоқ, дудуқлик, шол, бод, майиблик каби ўнлаб касалликларга шифо топишяпти. Айтсам ишонмайсиз, ўзим ҳам ҳайрон бўламан. 24 ёшимда автомобиль ҳалокати юз бериб, турмуш ўртоғим нобуд бўлган. Мени ҳам ўлдига чиқариб музхонага ташлашган. У ерда уч кун қолиб кетибман. Акам келиб, мени оламан деганида, ҳали ҳаёт эканлигимни маълум қилдим. Қашқадарё вилоят касалхонасида бир неча соат операция қилишди. Жарроҳлар Раҳим Берганов билан Расул Маҳкамовларга ҳамон миннатдорчилик билдираман. Ўзи ҳам ўнг ўпкамни ярмини, бир буйрак ва икки қовурғамни олиб ташлашди.

Ажали етган ўлади, деганлари рост экан. Олти ойдан кейин грижа билан яна операция, ичак буралиб қолиб, яна жарроҳлик аралашуви бўлди. Бу гал эса бечоралар ичимда қайчини унутишган экан. Хуллас, ўлмадим. Аксинча қобилиятим ошганлигини сездим. Мени биринчи гуруҳ ногиронлигига чиқаришди. Қаёқда дейсиз, ҳозир ҳеч нарса кўрмагандайман. Шифокорларнинг ўзлари ҳам ҳайрон. Олиб ташланган аъзоларнинг бари жойида эмиш.

— Башоратчи сифатида мустақил Республикамизнинг келажаги, бошланган йилимизнинг хосияти, Президентимиз қўл урган ҳайрли ишларнинг савоби ҳақида нималар дея оласиз!

— Йилимиз қутлуғ келади. Хайр-баракали, мўл ҳосилли йил бўлади. Ёғингарчилик етарли. Боғларимиз саҳоватидан миллионлар баҳраманд этилади. Ўзбекистоннинг ўз мудофааси ва армияси ташкил топади. Президентимиз тутган йўл нурафшон. Сўзи билан иши ҳамиша бир. Халқимизнинг келажагини таъминлашдан бўлак нияти йўқ. Фақат, ўз сиҳат-саломатлиги ҳақида ҳам ўйлаб қўйиш зарур. Хориж билан алоқаларимиз тобора яхшиланиб бораверади. Шарқона анъаналаримиз, маросимларимиз, инсоний фазилатлар яхши йўлга қўйилади. Бундан буён атом халқ хизматида бўлади. Февраль ойини эсон-омон осойишта ўтказиб олсак, баҳор ойларининг охирига бориб, рўзғоримизга қут-барака киради. Арзончиликнинг дастлабки куртаклари кўринади. Миллатлараро нифоқ барҳам топади. Узлигимизни унутмасак, умидбахш дунё, доруламон замонлар келади...

Улашбиби бизга баъзи ҳужжатларни кўрсатди. Маълум бўлишича, у кишининг башорати билан Тошкентда йўқолган иккита пистолет, бир қанча ўқ дорилар қаердалиги аён бўлган. Нижний-Новгород давлат дорилфунуни профессори, маълумотига қараганда, Улашбиби олимлар билан махсус тажрибалар ўтказишга кўмаклашган. Қўрғонтепадаги ақли заиф болалар уйи директорининг уқтиришича ўнлаб ногиронлар оёққа турган. Тошкентлик Малика Абдурашидовонинг ҳам қувончи чексиз: «Туғма букри эдим. Соғайишдан умид узгандим. Грижа баҳона Улашбибига учрашиб, қаддимни тиклаб олдим»...

Азиз муштарий! башоратчи аёлнинг ҳикояларидан кейин «ҳангома-ку», деган фикрга борган бўлсангиз ажабмас. Очиғи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу мақолани, «Сиз нима дейсиз!» деган мулоҳаза билан эътиборингизга ҳавола қилдик. Назаримизда сирли оламнинг сеҳрли дунёси инсон боласида уйғунлашган, мужассам ва мухтасарлик касб этгандек. Нима, бу, ривоятми, ҳикоями ё афсона. Ҳарқандай савобли ишлар, саъйи-ҳаракатлару орзу-умидларда ҳам бўлган ё кутилаётган ҳақиқатнинг илдизини ҳис этишга одатланганмиз. Зеро, инсон мураккаб. Илмий асосларга қараганда одамзод умр бўйи ўз имкониятларининг атиги етти фоизини тасарруф этаркан. Демак, биз билмаган, ўрганмаган дунёда қизиқ гаплар ҳукм сураверади.

Ҳайдар НОСИРОВ,

СУРАТДА: башоратчилар — Улашбиби қизи Зулфия билан.

Суратқаш С. МАҲКАМОВ.

ЭСЛАТМА: улар билан мулоқотда бўлишни истаганлар: Тошкент шаҳар, Фарҳод кўчаси, 12-уй — Фахрийлар уйига мурожаат этишлари мумкин.

Ён қўшни—жон қўшни

АФҒОНИСТОНДА МАШРАБ МАДҲИ

Амударёнинг нариги қирғоғига ўтган киши ўзини дафъатан ўзга мамлакатда ҳис қилиши қийин. Одамлар либосидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаса, Жайҳуннинг ул соҳили Сурҳон воҳасидан асло фарқ қилмайди. Бойси, асримизнинг илк саналарига қадар Амударё икки қўшни мамлакат ўртасидаги табиий чегара бўлган эмас. Балки Жанубий Туркистоннинг ҳудуди дарё қирғоғидан ичкарига яна бир неча юзлаб километр масофага чўзилган эди. Бу ҳол тарих саҳифаларидаги бўёқ бўлиб, бугунги афғон-ўзбек муносабатларига асло раҳна сола олмаслиги табиий.

Ушбу кириш сўзимиздан мақсад шулки, олдинлари қўшни давлатлар оралиғида чегара йўқлиги сабабли бир мамлакатда етишган истеъдод иккинчи бир мамлакатда ижод этиши ва мерос қолриши аниқ ва равшан эди. Туркистон осмонида илму адаб чироғини ёққан Алфоробий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, ҳазрат Навоий, Машраб, Фурқат, Атойи ва бошқа бир қатор буюк аждодларнинг ижод маҳсулларидан намуналар бугунги кунда жаҳоннинг турли кутубхоналаридан олтин фондларига айланганлиги кўпчиликка аёндир. Ана шундай зоти улуғлардан баъзиларининг ҳоки-поки Афғонистон тупроғига қоришгандир.

Яқинда биз Афғонистон жумҳурияти Балх вилояти ҳокиминнинг даъватига кўра, ҳамюртимиз мавлоно Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигини нишонлаш мақфалида иштирок қилдик. Маҳфал вилоят маркази — Мозори-Шариф шаҳридаги дорилфунунда ўтказилиб, унинг ташаббускорлари Афғонистондаги Навоий номли Марказ ва ўзбек тилида чоп бўлувчи «Юлдуз» жаридаси экан. Маълумки, тасаввуф маслагининг буюк яловбардорларидан бўлмиш шоир Машраб умрининг сўнгги йилларини Балх ҳокимлигида ўтказган ва Маҳмудбек Қатағон амри ила Кундуз шаҳрида осиб ўлдирилган.

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида вилоят волийси инженер Муҳаммад Азиз, «Юлдуз» жаридасининг бош муҳаррири Абдулла Руин ва бошқа бир қатор олиму шоир ва устозлар маъруза айтиб, ваъз қилдилар. Шуниси қизиқки, бизга мактаб дарсликларидан тортиб, то адабиёт тарихига қадар бўлган манбаларда Бобораҳим Машраб диний-мистик шоир, деб ўқтириб келинган эди. Афғонистонда аксинча диний уламоларнинг муайян қисми мавлоно Машрабни исёнчи шоир, ҳақга қўл кўтарган шаккок, деб айтишар экан.

Бизлар шоир Машрабнинг ҳамшаҳарлари ўлароқ, улуғ мавлойимизнинг нола билан айтган: «Намангон шаҳридан кетсам, мени йўқлар кишим борму?!»... сатрлари қулоғимиз ҳўққасида жаранглаб, шоҳ Машрабнинг қадим Балх шаҳридаги қабрларини зиёрат қилишга муваффақ бўлдик. Зеро: кези келганда шуни таъкидламоқ жоизки, Бобораҳим Машрабнинг «абадий уй»лари таъмир ва тиклашга, ҳурмат ва эҳтиромга муҳтож. Мулло ўқиган қуръон оятлари сўнгида юзимизга фотиҳа тортар эканмиз, эли севган шоир қабри яқин вақтлар ичида соҳиби мақомига яраша мақбарага ноил бўлишни орзу этдик. Ҳа, чиндан ҳам шундай ишни амалга оширишга қодирмиз. Ҳамсуҳбатимиз Абдулло Руин сўзларига қараганда, Афғонистоннинг шимолий беш вилоятида 6 миллион атрофида туркийзабон миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг аксар қисмини ўзбеклар ташкил қилар экан. Агар биз у жойларда хайрия концертлари ташкил қилсак ва улардан тушган маблағни улуғ шоир Машраб қабрини кўтариш ва обод этишга сарф қилсак, кўп савоб иш бўлур эди. Ушбу фикримиздан воқиф бўлган Балх вилояти волийси таклифимизни катта мамнуният билан қабул қилди.

Биз Балх вилоятида уч кун бўлишимизга қарамай, кўп жойларда машрабхонлик оқшомларида иштирок қилдик. Маҳаллий ўзбеклар орасидан етишиб чиққан хонандалар Тожмуҳаммад ва Ғаффор Камоллар билан биргаликда ўзимиз ҳам баҳоли қудрат Машраб сўзлари билан айтилувчи қўшиқларни ижро этдик.

Ана шундай қўшиқ оқшомлари Афғонистон халқи қаҳрамони, ўзимизнинг ўзбекларимиздан, ёш бўлишига қарамай, генерал-полковник, ўзбек фирқаси (дивизияси) қўмондони Абдурашид Дўстим, генерал-лейтенант Ғаффор полвон бошлиқ қисмларда ва Мозори-Шариф яқинидаги «Қуди-Барқ» деб аталувчи ишчилар шаҳарчасида бўлиб ўтди. Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбек ва туркман биродарларимиз Машраб ва бошқа мумтоз шоирларимиз сўзлари билан айтилган қўшиқларни эшитиб, кўп мамнун бўлдилар.

Суҳбат ва учрашувларимиздан шу нарса аён бўлдики умуман Афғонистон, хусусан Балх вилоятида яшаётган ўзбеку туркман, тожику, афғон ва ё бошқа миллат вакили бўлсин, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга олганлигидан бениҳоя хурсандлар ва бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон яқин кунлар ичида дунё давлатлари орасида ўз ўрнига эга бўлишни таъкидлаб ўтдилар. Табиийки, ён қўшни давлатлар орасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳар икки тараф учун ҳам манфаатли бўлиши тўғрисида алоҳида сўз борди. Бунинг учун кўҳна ва навқирон Афғонистон ерида сулҳу-ором амалга ошса, тарафкашлик уруши тугаса бўлгани.

Камолиддин РАҲИМОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Аҳмаджон ҳожи ЛУҚМОНОВ, шарқшунос.

*

- **Сабр таги зар-олтин**
- **Ўлиб тирилган аёл ҳикояси**
- **Орзуга айб йўқ**
- **Бахс ва чуқур идрок омили**

таралаётган бетакрор бўёқли нурлар ўзига чорларди. Биз унга яқинлашиб бордик. Рўпарамда заррин ва улкан жоме нур тўкиб турарди.

Жоме ичкарисига кирдик. Хонанинг ўртасида нуроний, хушбаҳт киши ўтирганини кўрдим. У одам мутоала ишига банд эди. Унг ёғимда Ҳизирбува, сўл тарафимда Баҳовуддин пайдо бўлдилар. Саломаликдан сўнг у кишига яқинлашиб, уч бор таъзим қилдим. Ўнг томонга ўтишимни ишора қилдилар. Дуолар ўқилди. Панд-насиҳатлар айтилди. Қутлуғ китобнинг бир варағини очиб, олам, яъни еримиз ҳақида ёқимли шабаданинг саси келаётгандек бўлди. Кўз юмиб очгунча деганларидек, ярим тунда уйимга кириб келдим.

Таниш-билишлар, ота-онамнинг қувончлари чексиз эди. Бундан буён менинг оддий, айни пайтда ҳамма нарсани олдиндан фаҳм этиш, яъни башоратчилик ҳислати билан яшашим бошланди. Ҳар қандай кишини юзига қараб, туриб унинг тақдирини, бўладиган савдолари, дард-қувватларини олдиндан айтиб берадиган бўлиб қолдим. Зеро, менга осон бўлмади. Чунки у даврларни турғунлик йиллари деган ном билан аталиши ва ҳозирги кунгача давом этиши ҳеч ҳаётимдан ўтмаган эди. Ҳаётимнинг ҳеч бир даврида ҳеч бир ишим ўнгидан келмаганлиги, ишларим ҳеч бир ривожланмаганлиги, ишларимнинг ҳеч бир ривожланмаганлиги, ишларимнинг ҳеч бир ривожланмаганлиги, ишларимнинг